

**БҮЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРДА ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

Бабаева Х.У.

*Чирчиқ давлат педагогика университети,
мустақил-изланувчи*

Аннотация: ушбу мақолада бўлажак педагогларнинг технологик компетентлик даражасини ривожлантириши, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириши учун аввало, олий таълим муассасаларидағи ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиши, технологик ёндашув асосида дидактик технологияни ўзлаштириши ва мақсадли йўналтириши масалалари ёритилган.

Таянч иборалар: технологик компетентлик, инновацион фаолият, ахборот-коммуникация технологиялари, дидактик технология, технологик ёндашув, дарс жараёни, илгор педагогик технологиялар, ўқув материаллари, ахборот, шакл ва методлар.

Аннотация: в данной статье рассматриваются вопросы развития уровня технологической компетентности будущих педагогов, прежде всего, применения инновационных образовательных и информационно-коммуникационных технологий к образовательному процессу в высших учебных заведениях, овладения дидактической технологией на основе технологического подхода и целевой ориентации педагогических кадров на инновационную деятельность.

Основные фразы: технологическая компетентность, инновационная деятельность, информационно-коммуникационные технологии, дидактическая технология, технологический подход, процесс урока, передовые педагогические технологии, учебные материалы, информация, формы и методы.

Abstract: this article discusses the issues of developing the level of technological competence of future teachers, first of all, the application of innovative educational and information and communication technologies to the educational process in higher educational institutions, mastering didactic technology based on a technological approach and the target orientation of teaching staff to innovative activities.

Key phrases: technological competence, innovative activity, information and communication technologies, didactic technology, technological approach, lesson process, advanced pedagogical technologies, educational materials, information, forms and methods.

Республикамизда тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш - замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали

педагог кадрларни тайёрлаш жараёнлари самарадорлигини таъминловчи касбий таълим мазмунини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида мутахассисларнинг технологик касбий компетентлигини шакллантиришга хизмат қилувчи узлуксиз таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инноавацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш заруратини шакллантиради. Шу асосда бугунги кунда олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, таълим босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда бўлажак ўқитувчиларнинг технологик компетентлигини ривожлантитиш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва қўникмалар билан қуроллантириш, илмий техник инновациялардан мустақил равища, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли ва вазифаларни ҳал қила олиш қўникмаларини ривожлантириш муҳим талаблардан ҳисобланади.

Таълим-тарбия самарадорлигини оширишда асосий омил сифатига қаралаётган таълим технологияларни айниқса, ахборот коммуникация технологияларини амалиётга жорий этишдан, мультимедия ресурсларидан оқилона фойдаланишдан, бунинг меваси бўлган ўқувчи билиш қобилиятини ўстиришдан иборат.

Ўқувчи дарс жараёнида фаол ҳаракат қилиб, ўзи мустақил фикр юритади. Бунда таълим босқичларининг ўзаро мазмунан боғлиқлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш; олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишининг илғор педагогик технологияларини жорий қилиш, бу борада ўқув - услубий мажмуалар сифатини таъминлаш, педагогик технологияларни жорий этиш; олий таълимнинг ахборот-ресурс ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш; мазкур йўналишларда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, бўлажак педагогларнинг технологик компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш учун аввало, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш долзарб вазифалар сифатида белгиланди.

Ҳозирги пайтда ўқув материаллари, ахборотни экранда кўрсатиш имкони вужудга келиши ва ривожланиши билан ўқув жараёнида эришилган ютуқдан фойдаланиш кенг ёйилиб бормокда. Замонавий ахборот технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этилиши, иқтисодий самара бериш билан бирга таълимда янгича ўқув методларини кенг равища қўллашга имконият яратиб беради.

Бунинг натижасида уни комплекс дидактик технология деб ҳам аталмоқда. У:

- ўқувчи талабаларга ўрганаётган мавзуси, ходиса, жараён, фаолият бўйича тўлиқ, ишончли ахборот бериш;
- ўқув жараёнида кўргазмалиликнинг ролини ошириш;
- талаба, ўқувчиларни хоҳиш, талаб, эҳтиёжларини, қизиқишиларини қондириш;
- ўқитувчининг ўқувчи, талабаларнинг билимини, кўникмаларини синаш билан боғлиқ техник ишлардан озод қилиш, самарали алоқа ўрнатиш;
- талаба-ўқувчиларни ўзлаштириши бўйича объектив хисобот, тўла ва узлуксиз назоратни ташкил этиш имконини беради.

Таълим-тарбия жараёнидаги инновациялар, илгор педагогик технологиялар, янгиликлар, дарс ўтишнинг интерфаол усуллари ўз ўзида юқоридан буйруқ, кўрсатма билан таълим жараёнига кириб келмайди. Бу ўқитувчи фаолияти ва унинг мотивайсиясига боғлиқ бўлган жараёндир.

Замонавий информацион технологияларга асосланган ўқув жараёнида асосий ўқувчининг берилган мураккаб ўқув ахборотларидан осонлик билан фойдалана олишга ёрдам бериш, ўқувчиларни мустақил таълим олиш фаолиятига имконият яратиш вазифаларини бажаради.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда замонавий таълим тизимида ўқув жараёни ва унда ўқитувчининг иш фаолиятини режалаштиришга доир илмий ишларни кенг доирада олиб боориш керак деб ҳисоблаймиз ва бу ўз самарашини кўрсатади.

Бугунги замонавий таълим тизими педагогдан ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро индивидуал муносабат ва замонавий ахборат технологиялари имкониятлари таъсирини фаоллаштиришни талаб этмоқда.

Таълим жараёнида замонавий инфармацион ва телакоммуникацион технологияларни фаол қўллаш ўқув жараёнида ўқитувчининг ўрни, рўли ва педагогик фаолиятини маълум даражада ўзгартиришга олиб келади.

Ҳозирги вақтда асосий эътибор замонавий инфармацион технологияларга асосланган ўқув жараёни моделини яратиш ва мултимедия технологияларига асосланган электрон дарслик, ўқув қўлланмаларини яратиш муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бўлажак педагоглардат технологик компетентликни ривожлантириш Давлат таълим стандарти асосида ўқитиши жараёнини ташкиллаштириш таълимда инновацион педагогик технологияларни қўллаш вазифасини юклайди.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш ва билимларни тўла эгаллашларига эришиш, шахснинг таълим диққат марказида бўлишини ва бўлажак педагогларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдалана оладиган ўқитувчилар керак.

Бунинг учун, барча фан ўқитувчиларини инновацион педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ҳамда олган билимларини ўқувтарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини ошириб боориш лозим.

Берилаётган ахборотлар машғулот мавзусининг мазмунига мос бўлиши билан бирга талабаларда зарур кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришни таъминловчи топшириқлар ва вазифалардан ташкил топиши, талабалар ўзлаштириши лозим бўлган ахборотлар ҳажмини аниқлаши, маълум бир мантиқий тизимда тақдим этилиши, узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига мос келиши, ниҳоят, тизимлилик тамойилига жавоб бера олиши зарур. Шунингдек, ахборотларнинг талабалар тайёргарлик даражасига мос бўлиши мақсадга мувофиқ саналади.

Амалий машғулотлар – бевосита бўлажак педагоглар учун очиқ маъruzалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларни муҳокама қилиш ва танқидий таҳлил этилишига йўналтирилган бўлиб, у бўлажак педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид инновацияларни фаол ўзлаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга хизмат қиласди.

Замонавий таълимни ташкил этишда педагогнинг илфор педагогик технологиялардан фойдаланиш, интерфаол усулларни ўзлаштириш, техник, технологик воситаларни амалий жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Қисқа вақт ичида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек таълим олувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўитувчидан технологик компетентликни ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

35. Ernazarova, G. O., Qaynarova, I. V. (2021). Zamonaviy dasturlashtirilgan o‘qitishni qo’llash. *Zamonaviy ta’lim va tarbiya*, 1(1), 75-81.
36. Qorayev, S. B., & Janbayeva, M. S. (2021). Boshlang‘ich sinflarda sinfdan tashqari ishlarni tashkil etishning zamonaviy tamoyillari. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 1), 1492-1496.
37. Janbayeva, M. S., & Qorayev, S. B. (2021). Modern principles of organization of extracurricular activities in primary schools. *Экономика и социум*, (5-2), 837-843.
38. Smatillaryevna, J. M., Hilola, R., & Mannona, M. (2023). Organization and management of the education process at the school based on the cluster approach. *образование наука и инновационные идеи в мире*, 20(8), 66-68.

39. Qorayev, S. B., & Janbayeva, M. S. (2022). Boshlang'ich ta'lilda o'qish darslarida interfaol metodlarni samarali qo'llashning o'ziga hos jixatlari. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 1079-1085.
40. Janbayeva, M. S., & Qorayev, S. B. (2021). Boshlangich sinflarda sinfdan tashqari ishlarni tashkil etishning zamonaviy tamoyillari. *Экономика и социум*, (5-2 (84)), 837-843.
41. Oblaqulovna, E. G., Zarifamukaddamovna, K., & Valievna, Q. I. (2021). The importance of developing innovative methods in the educational system. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 833-838.
42. Ernazarova, G. O., Mukaddamovna, K. Z., Valievna, Q. I., & Bolatbekovich, K. A. (2022). The Need To Study Pedagogical Professional Thinking. *Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching*, 5, 95-98.
43. Smatillaryevna, J. M., & Serkebayevna, T. L. (2023). Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida o 'yin texnologialaridan foydalanishning ahamiyati. *journal of science, research and teaching*, 2(12), 105-108.
44. Smatillaryevna, J. M. (2023). Sport menejerining boshqaruvchanlik qobiliyatini rivojlantirish. *journal of science, research and teaching*, 2(12), 102-104.
45. Smatillaryevna, J. M. (2023). Ta'lim jarayonida ijodkor va novator o 'qituvchilarining o 'rni. *o'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali*, 2(24), 156-159.